

ТИЛШУНОСЛИКДА ПРАГМАЛИНГВИСТИКАНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Азамжанова Сарвиноз
ЎзДЖТУ 1- курс талабаси.

Илмий раҳбар: Давронова Зульфия
ЎзДЖТУ катта ўқитувчиси.

Аннотация: Прагмалингвистика кенг қамровли фан соҳасидир. Бунда айниқса, газета матнини прагмалингвистик таҳлил қилишда унинг бошқа тармоқлар билан боғлиқ антропоцентрик йўналишини эслатиб ўтмаслик мумкин эмас. Давлат тили тизимига қўра жамиятда анъанавий тил натижалари коммуникатив-прагматик тизимни миллӣ онгни аниқлаш бўйича фаолиятни амалга оширишга қаратилган талабларни қондира олмайди. Ҳозирги вақтда жамият тараққиёти жараёни ва унинг янги сифат даражаси тилнинг маданий механизм сифатидаги ролини аниқлаш ва унинг услугубий асосларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Мазкур мақола тилшунослика янги пайдо бўлган прагмалингвистиканинг шаклланиш босқичлари, прагмалингвистиканинг роли ва аҳамиятига бағишланган.

Калит сўзлар: прагмалингвистика, когнитив тилшунослик, вербал ва нобервал мулоқот.

Аннотация: Прагмалингвистика – это широкая область исследования. В частности, при прагматическом лингвистическом анализе газетного текста нельзя не упомянуть его антропоцентрическую направленность по отношению к другим секторам. Согласно системе государственного языка, результаты использования традиционного языка в обществе не могут удовлетворять требованиям коммуникативно-прагматической системы, направленной на реализацию деятельности по определению национального сознания. В настоящее время процесс развития общества и его новый качественный уровень требуют определения роли языка как культурного механизма и совершенствования его методологических основ. Данная статья посвящена этапам становления вновь возникшей прагмалингвистики в лингвистике, роли и значению прагмалингвистики.

Ключевые слова: прагмалингвистика, когнитивная лингвистика, вербальная и невербальная коммуникация.

Abstract: Pragmalinguistics is a broad field of study. In particular, in the pragmatic linguistic analysis of the newspaper text, it is impossible not to mention its anthropocentric direction in relation to other sectors. According to the system of the state language, the results of the traditional language in the society cannot satisfy the requirements of the communicative-pragmatic system aimed at the implementation of activities on the determination of the national consciousness. Currently, the process of the development of society and its new level of quality requires the determination of the role of language as a cultural mechanism and the improvement of its methodological foundations. This article is devoted to the stages of formation of the newly emerging pragmalinguistics in linguistics, the role and importance of pragmalinguistics.

Keywords: pragmalinguistics, cognitive linguistics, verbal and nonverbal communication.

Ҳар қандай фан соҳасининг шаклланиши ва ривожланиши ушбу соҳа обьектига нисбатан қизиқиш пайдо бўлишидан бошланади. Қизиқишидан эса саволлар туғилади. Тилшунослик ҳам бундан мустасно эмас. Ушбу фаннинг юзага келиши ва тараққиёти бевосита тил тизими, лисоний бирликларнинг қурилиши, таркиб топиши ва улардан кундалик ҳаётда, ижтимоий фаолиятда фойдаланишга оид саволларга жавоб излашдан бошқа нарса эмас. Тилшунослик фанининг янги босқичга кўтарилишига туртки бўлган ғоялардан яна бири XX аср бошларида юзага келди. Тил тизимини илмий ёритишнинг «объектив метод»ларини излаган тилшунослардан бири Фердинанд де Соссюр тилга белгилар тизими сифатида қарашибозимлиги ҳақидаги ғояни ўртага ташлади. Лисоний системологиянинг асосчиси бўлган Соссюр унинг асосий тамойиллари тил ва нутқ ҳодисаларини, синхрон ва диахрон таҳлил усусларини фарқлаш ҳамда лисоний белгининг ихтиёрийлигини инобатга олиш билан боғлиқ эканлигини уқтириди.

Сўзсиз, лисон ва инсон онги, мияси ўртасидаги боғлиқлик доимий, бу боғлиқлик инсон онгли фаолиятини таъминловчи воситадир. Бизнинг юрагимиз фаолият кўрсатмаса яшай олмаслигимиз аниқ, бироқ инсоннинг яшashi юрагининг уриб туриши билан боғлиқлигини билиш унинг ҳаёти қандай ва қай мақсадда кечётганлигини билиш имконини бермайди. Лисон ҳам ҳаёт манбаси, шу сабабли унинг ҳаётдаги ўрнини, ундан одамлар қандай фойдаланаётганлигини ҳамда унинг ҳаёт даражаси, сифатига қандай таъсири борлигини билмоқ керак. Буларнинг барчаси биз фойдаланаётган ҳодиса – тилнинг табиати ва ижтимоий моҳиятини билиш имконини яратади.

«Прагматика» - юононча *pragma* – иш, ҳаракат сўзидан олинган бўлиб, аслида фалсафий тушунча бўлиб, у Сократдан олдинги даврларда ҳам қўлланишда бўлган ва кейинчалик уни Ж. Локк, 41 Э.Кант каби файласуфлар Аристотелдан ўзлаштирганлар. Шу тариқа фалсафада прагматизм оқими юзага келган. Бу оқимнинг асосий тараққиёт даври XIX-XX асрлардир. Айниқса, XX асрнинг 20-30 йилларида прагматизм ғояларининг кенг тарғиби аниқ сезила бошлади. Америка ва Европада бу тарғиботнинг кенг ёйилишида Ч.Пирс, Р.Карнап, Ч.Моррис, Л.Витгенштейн кабиларнинг хизматларини алоҳида қайд этмоқ керак. XIX асрнинг охири XX аср бошларида Америкада ҳукмрон бўлган фалсафий прагматизм йўналишининг асосчиларидан бири Чарлз Сандерс Пирсэди. Ушбу фалсафий тизимнинг асосий ғояси семиотик белгининг маъно мазмунини ушбу белги воситасида бажарилаётган ҳаракатнинг самарааси, натижалари, муваффақияти билан боғлиқ ҳолда ўрганишдир. Бу тамойил муаллифи Ч.Пирс биринчилардан бўлиб, белги назарияси доирасида коммуникатив фаолият субъекти омилини инобатга олиш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Афусски, айрим тадқиқотчилар прагматикани семиотик тизимда энг юқори поғонага кўтариб қўйиш билан уни “ихоталаш”, лисоний фаолият, белгилар тизими билан шуғулланувчи бошқа соҳалардан ажратиб қўйиш тарафдоридирлар. Бинобарин, прагматикага оид дастлабки дарслклардан бирининг муаллифи Кембриж университетининг профессори Стефан Левинсон прагматикани лисон бажарадиган 46 вазифалар нуқтаи назаридан таърифлашга карши чиқади. Унинг фикрича, бундай вазифавий ёндашув прагматиканинг худудини ўта кенгайтириб юборади, лисоний структура хусусиятларини нолисоний сабаблар ва асослар воситасида тушунишига ундейди. Муаллифларнинг таъкидича, бундай кўринишдаги таъриф “прагматикани бошқа лисонга функционал ёндашувни талаб қилувчи соҳалар – психолингвистика ва социолингвистикадан фарқлаш” имконини бермайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Сафаров III. Прагмалингвистика.-Т.: 2008. -Б.45-47.
2. N.I.Formonovskaya speech communication: communicative-pragmatic approach.M., 2002 . -P.23
3. K.A.Dolinin. Interpretation of a text. – M.: Prosvesheniye. 1985. -283.
4. Yu. Apresyan. Connotation as a part of word pragmatics//selected works. I, II; Integral description of a language and system of lexicography. M., 1995.
5. Djafarova, Dildora, Yaxshiboyeva Nodira, and Abdullayeva Zulfiya."Socio-Cultural Memory And Its Reflection In French Phraseology." Journal of Positive School Psychology (2022): 2883-2889.
6. Ilhomovna, D. D., & Ostonovich, B. O. (2024). Interaction of Language Games in the Articulation of “Historical Memory” Within French and Uzbek Phraseology. American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769), 2(1), 348-354.
7. Ilhomovna, D. D., & Ostonovich, B. O. (2024). Interaction of Language Games in the Articulation of “Historical Memory” Within French and Uzbek Phraseology. American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769), 2(1), 348-354.